


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

1441

Рўйхатга олинди
№ 60-541020-3-13
2015 йил “16” 07

Олий ва ўрта маҳсус таълим
вазирининг 2015 йил
«21» 05 даги ‘903’ сонли
буйруғи билан тасдикланган



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ
САҚЛАШ ~~ФОР~~ ДАСТЛАБКИ ИШЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ,
СТАНДАРТЛАШТИРИШ, МЕТРОЛОГИЯ ВА СЕРТИФИКАТЛАШ
АСОСЛАРИ БИЛАН

ФАНИНИНГ

ЎҚУВ ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 100000 – Гуманитар соҳа
400000 – Қишлоқ ва сув хўжалиги

Таълим соҳаси: 110000 – Педагогика
410000 – Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги

Таълим йўналиши: 5111000 – Касб-таълими (5410200 – Агрономия
(дехқончилик маҳсулотлари бўйича))
5410100 – Агрокимё ва агротурокшунослик
5410200 – Агрономия (дехқончилик маҳсулот-
лари бўйича)
5410300 – Ўсимликлар химояси ва карантини
5410400 – Қишлоқ хўжалик экинлари селекция-
си ва уруғчилиги
5411000 – Мева-сабзавотчилик ва узумчилик

ТОШКЕНТ – 2015

Фаннинг ўкув дастури Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўкув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофикалаштирувчи Кенгашининг 2015 йил “16 07” даги “4” – сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фаннинг ўкув дастури Тошкент давлат аграр университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

- Акрамов У.И.** – Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, саклаш ва қайта ишлашни ташкил этиш кафедраси мудири, к.х.ф.н.
- Исламов С.Я.** – Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, саклаш ва қайта ишлашни ташкил этиш кафедраси доцент, к.х.ф.н.
- Шоумаров Х.Б.** – Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, саклаш ва қайта ишлашни ташкил этиш кафедраси доценти, к.х.ф.н.
- Абдикаюмов З.А.** – Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, саклаш ва қайта ишлашни ташкил этиш кафедраси катта ўқитувчи

Такризчилар:

- Аманова М.** – Ўзбекистон Ўсимликшунослик илмий тадқиқот институти Мойли экинлар лабораторияси мудири, к.х.ф.н., к.и.х.
- Рахмонов Ш.** – Тошкент давлат аграр университети Маркетинг, маҳсулотларни стандартлаштириш ва сертификатлаштириш кафедраси доценти

Фаннинг ўкув дастури Тошкент давлат аграр университети Ўкув-услубий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2015 йил “18 07” даги “8” – сонли баённома).

Кириш

Республикамизда амалга оширилаётган сиёсий ва ижтимоий ўзгаришлар қишлоқ хўжалиги таълим йўналишларида таксил олаётган талабалар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини саклаш ва дастлабки ишлаш технологияси, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш асослари билан фанини ўзлаштириш давомида фанни ривожланиш тарихини, дон, мойли экинларни, лавлаги, сабзавот, картошка ва мева-узум маҳсулотларини саклаш технологияси ва хом-ашёни дастлабки қайта ишлаш асослари тўғрисида билим берини, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини саклаш ва қайта ишлаш технологиясининг назарий асосларини, ҳамда илмий изланишлар олиб бориш йўлларини излаш, уларни саклаш ҳолати, шароитлари ва дастлабки қайта ишлашни ташкил этиш, стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва сифатни бошқариш соҳаларида янги йўналишларни белгилаб берди. Ўзбекистон Республикасининг “Стандартлаштириш тўғрисида”, “Метрология тўғрисида”, “Истеъмолчиларнинг ҳукукларини ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Озиқ-овқат маҳсулотларининг ҳавфисизлиги ва сифати тўғрисида”, “Хўжалик субъектлари фаолиятининг давлат назорати тўғрисида”ги қонунлари, Республика Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Миллӣ этalon базасини шакллантириш ва метрологик таъминотни такомиллаштириш тўғрисида”ги карорлари қабул килинди.

Фаннинг мақсади ва вазифаси

Таълим мақсади давр билан, ижтимоий ҳаёт билан узвий боғлик. Ижтимоий ҳаётдаги туб бурилишлар, фаннинг интенсив ривожланиши, таълим модернизацияси, янги дидактик имкониятлар, инсонпарварлаштириш шубҳасиз таълим мақсадини ҳам тубдан ўзгартириди. Таълим мақсадининг тубдан ўзгариши таълим мазмунида ўз ифодасини топади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини саклаш ва дастлабки ишлаш технологияси, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш асослари билан фани мазмунига дон, мойли ўсимликлар, қанд лавлаги, картошка, сабзавот, мева ва узум маҳсулотларини саклашни ташкил қилиш ва уларни қайта ишлаш ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш каби бўйимлари киритилган.

Фанни ўқитишдан мақсади – талабаларга бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулотларни саклаш ва қайта ишлашнинг асосий усуllibарини ўзлаштиришни, маҳсулотни етилиш даврида ва кузги-кишки саклашда рўй берадиган жараёнларни назарий таърифлари билан танишиш, маҳсулотларни саклаш усол ва режимларини кўллашни, хом-ашёни турига мос қайта ишлаш технологиясини танлаш ва ишлаб чиқаришда кўллашни, хом ашё ва консерваланган маҳсулотни қадоклашда истиқболли идишлардан фойдаланишни, маҳсулотларни товар ҳолатига келтиришни, контейнерлардан кенг фойдаланишни, маҳсулот сифатига турли омиллар таъсирини, режимларга риоя килган ҳолда саклаш муддатларини узайтириш йўлларини излашни, қайта ишлашда самарали, кам чикимли технологияни татбиқ этишни, маҳсулотларнинг сифати ва

ракобатбардошлигини таъминлашда стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш фанининг тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида билим бериш. Бу эса талабага фаннинг хукукий, назарий ва меъёрий асосларини, ҳамда, уларни кишлок хўжалик ишлаб чиқариш амалиётида кўллаш каби муҳим жараёнларни ўргатади.

Фанни вазифаси – маҳсулотларни саклаш усул ва режимларини кўллашни, ҳом ашёни турига мос қайта ишлаш технологиясини танлаш ва ишлаб чиқаришда кўллашни, ҳом ашё ва консерваланган маҳсулотни қадоқлашда истиқболли идишлардан фойдаланишни, маҳсулот сифатига турли омиллар таъсирини, режимларга риоя қилган ҳолда саклаш муддатларини узайтириш йўлларини излашни, қайта ишлашда самарали, кам чиқимли технологияни тадбiq этишини, юкори сифатли консерваланган маҳсулотлар тайёрлаш, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасида барча ишларни халқаро микёсда уйғунлаштириш, меъёrlаш, ўлчаш ва текшириш усул ва воситаларини белгилаш, шу билан бир қаторда амалда кўллашни ўрганишдан иборат.

Фан бўйича талабаларнинг билимига, қўнишка ва малакага қўйиладиган талаблар

“Кишлоқ хўжалик маҳсулотларини саклаш ва дастлабки ишлаш технологияси, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш асослари билан” ўкув фанини ўзлаштириш жараённида бакалавр:

- саклаш ва қайта ишлашнинг асосий усуллари;
- маҳсулотни етишиш даврида ва саклашда рўй берадиган жараёнлари;
- маҳсулотларнинг сифати ва ракобатбардошлиги;
- стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасида атама ва тушунчалари;
- стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш давлат тизимлари ва уларни ташкил килиш;
- халқаро шартнома ва битимлар; сертификатлаш обьектлари ва субъектлари;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сифатига таъсир этувчи омиллар ҳақида тасаввурга эга билиши;
- талаба маҳсулотларни саклаш усул ва режимларни кўллаш;
- ҳом ашёни турига мос дастлабки ишлаш технологиясини танлаш ва ишлаб чиқаришда кўллашни;
- ҳом ашё ва консерваланган маҳсулотни қадоқлашда истиқболли идишлардан фойдаланишни;
- маҳсулотларни товар ҳолатига келтиришни;
- контейнерлардан кенг фойдаланишни;
- стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштиришнинг хукукий ва назарий асосларини;
- стандартлар ва бошқа меъёрий хужжатларни ишлаб чиқиш ва кўллашни;
- давлат метрология хизматини;
- ўлчаш турларини;

- ўлчамлар бирлигини таъминлашни;
- мажбурий ва ихтиёрий сертификатлашни;
- мувофиқлик сертификатини;
- сертификатлаш тўғрисидаги конун хужжатларини;
- сертификатлаш схемаларини ишлаб чиқиши ва уларни кўллашни **билиши керак**;
- маҳсулот сифатига турли омиллар таъсирини;
- режимларга риоя қилган сақлаш муддатларини узайтириш йўлларини;
- қайта ишлашда самарали, кам чикимли технологиясини;
- юкори сифатли консерваланган маҳсулотлар тайёрлаш усулларини;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сифат кўрсаткичлари ва уларни стандартлаштириш;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сертификатлаш бажариладиган ишларни ташкил этиш;
- метрология соҳасидаги меъёрий хужжатлар;
- ўлчов воситаларини текширувдан ўтказиш;
- сертификатлаштириш органларининг ва синов лабораторияларининг (марказларининг) жавобгарлиги;
- стандартлар, меъёрий хужжатлардан фойдаланиш юзасидан **малакаларига эга бўлиши керак**;
- маҳсулот турларини ўзига хос хусусиятларига кўра уларни саклаш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларнинг сифатини пасайтирмасдан саклаш муддатини узайтириш;
- консервалар сифатига турли омилларнинг таъсирини бартараф эта олиш;
- қайта ишлашни ўрта ва кичик корхоналарда амалга ошириш;
- қайта ишлаб тайёрлаш жараёнида маҳсулот сифатини ошириш, чиким миқдорини камайтириш ва иқтисодий самарадорлигини кўтариш **малакаларига эга бўлиши керак**.

**Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан
ўзаро боғликлиги ва услубий жиҳатдан кетма-кетлиги**

Кишлоқ хўжалик маҳсулотларини саклаш ва дастлабки ишлаш технологияси, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш асослари билан фани 6-семестрда (5410100 – Агрокимё ва агротупроқшунослик, 5410300 – Ўсимликлар химояси ва карантини, 5411000 – Мева-сабзавотчилик ва узумчилик) ҳамда 8-семестрда (5111000 – Касб-таълими (5410200 – Агрономия (дехкончилик маҳсулотлари бўйича)), 5410200 – Агрономия (дехкончилик маҳсулотлари бўйича), 5410400 – Кишлоқ хўжалик экинлари селекцияси ва ургучилиги) ўқитилади бу фани ўрганишда кимё, ўсимликунослик, мевачилик ва сабзавотчилик фанларидан етарли билим ва кўнникмаларга эга бўлишлик талаб этилади.

Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни

Хозирги бозор иқтисодиёти шароитида товарларга ва хизматларга бўлган талаб ва таклифларни, товарларнинг сифат кўтсаткичларини аниглаш ва

уларга қўйиладиган талабларни стандарт талабларига мослиги ва давлатлар код рақамларига мослигини билишни шакллантиради.

Ушбу фанни ўрганиш натижасида талабалар ўрганган билимларини стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича асосий коидаларни, талаблар ва меъёрларни, стандартлаштириш ва сифатни бош-каришдаги давлат баённомалари ва меъёрий хужжатлар билан ишлашини билиши, мавжуд билим ва тажрибаларини амалий фаолиятда қишлоқ хўжалиги соҳасида татбик қилишни, ҳамда фаннинг хуқуқий, назарий ва меъёрий асосларини, ҳамда уларни қишлоқ хўжалигига қўллай олишни ўрганадилар.

Фанни ўқитишида замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Талабаларнинг Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш асослари билан фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишининг илфор ва замонавий усуllibаридан фойдаланиш, янги информацион-педагогик технологияларни тадбик қилиш мухим аҳамиятга эгаdir. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўкув ва услубий кўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон материаллар, виртуал стендлар ҳамда ишчи ҳолатдаги машиналарнинг ишлаб чиқаришдаги намуналари ва макетларидан фойдаланилади. Маъруза ва амалий дарсларида мос равишдаги илфор педагогик технологиялардан фойдаланилади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Фаннинг назарий машғулотлари мавзулари

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлашнинг аҳамияти ҳамда ривожланиши

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларни сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси фаннининг предмет ва вазифалари. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларни сақлаш ва дастлабки ишлашнинг ҳалқ хўжалигидаги ўрни ва аҳамияти. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлашнинг тарихи ва ривожланиш истиқболлари. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш тизимининг вазифалари.

Маҳсулотларни тайёрлаш ва сақлаш даврида улар сифатини пасайишига ва истроғарчилликка қарши қўлланиладиган тадбирлар. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари кимёвий таркибига кирувчи азотли, клетчатка ва яrim клетчатка пектин, органик кислоталар, гликозидлар, эфир мойлари, алколоидлар, витаминлар, микро ва макро элементлар ошловчи ва минерал моддалар таърифи.

Дон маҳсулотларини сақлаш

Дон уюмини сақлаш тартиби. Донни совутилган ҳолата сақлаш. Донни курук ҳолатда сақлаш. Донни ҳавосиз мухитда сақлаш. Донни сақлаш тартиблари. Сақлашда дон уюмининг чидамлилигини ошириш тадбирлари. Дон уюмини сақлаш усуllibарни ва уларнинг технологик тавсифи. Дон омборларига

қўйиладиган талаблар.

Донни қайта ишлаш асослари

Донни янчишга тайёрлаш донни янчишга тайёрлаш. Донни янчиш асослари. Уннинг чиқиши ва навлари ҳакида тушунчалар. Тегирмонларда доннинг тозалаш ва янчиш схемалари. Дон маҳсулотларини чиқариш, уларнинг сифати ва микдорини ҳисобга олиш.

Ун ва ёрма ишлаб чиқариш ва сақлаш технологияси

Уннинг навлари ва турлари. Ун ишлаб чиқариш корхоналарининг вазифалари. Дон тозалаш бўлимининг ҳамда ун тортиш бўлимининг асосий вазифалари. Буғдой ва жавдар унларига қўйиладиган асосий талаблар ва уларни сифат кўрсаткичлари. Саклашда дон уюмини назорат килиш.

Ёрмабоп донлар, уларнинг турлари ва тавсифи. Ёрма маҳсулот турлари навлари ва уларга қўйиладиган талаблар. Ёрма маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги асосий жараёнлар. Ун ва ёрманни сақлаш техникаси.

Қанд лавлагини вактингча сақлаш ва қайта ишлаш технологияси

Хом ашё сифатига қайта ишлаш саноатини тамонидан қўйиладиган талаблар. Қанд лавлагини йиғиштириш, ташиб ва сақлаш усувлари. Қанд лавлагини шакарга айлантириш жараённинг кисқача чизмаси, ярим фабрикат ишлаб чиқиш, уларнинг ишлаб чиқариш чикимлари фойдаланиш. Қанд рафинад ишлаб чиқариш.

Мой ишлаб чиқариш технологияси

Мой ишлаб чиқариш учун ярокли ўсимлик турлари-кунгабақор, чигит, ловия, ўсимлик мойининг муҳим озиқ-овқат ва бошқа соҳаларда ишлатилиши. Республикаиздаги қадимги мой тайёрлаш ва хозирги корхоналардаги мой ишлаб чиқариш технологияси. Саноатда пресслаш ва экстрактация усулида олиш. Ўсимликни айрим турларидан мой олиш. Дистилляция, пигментация, рафинация филтрация ва бошқа технологик жараёнлар мой ишлаб чиқариш технологиясида қўллаш.

Омихта ем ишлаб чиқариш ва сақлаш

Омихта ем ишлаб чиқаришда қўлланиладиган асосий хом ашёлар таърифи ва тавсифи. Омихта ем турлари ва қўлланилиши доираси. Омихта ем ишлаб чиқариш учун хом ашёлар (дон, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқиндилари). Омихта ем маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги асосий жараёнлар. Омихта емларни саклаш тартиби ва усувлари. Омихта емни саклаш. Саклашда омихта ем сифатининг ўзгариши.

Картошка сабзавот ва мевалар сақлашнинг назарий асослари

Картошка, сабзавот ва меваларни сақлаш усувларининг умумий таърифи: биоз, абиоз ва анабиоз усувларда маҳсулот саклаш. Сақлашнинг биологик асослари. Сакланувчанлик. Нафас олиш. Чидамлилик ва уннинг кўрсаткичлари. Оптималь сақлаш шароитлари. Саклашда маҳсулотларнинг чидамлилигини

ошириш тартиблари. Махсулотларга таъсир этувчи омиллар.

Картошка, сабзавот ва меваларни териш, ташиш ва саклаш усулларининг умумий таърифи

Саклашга мўлжалланган маҳсулотларни йиғиш ва ташиш хусусиятлари. Саклаш шароити. Мева-сабзавот турларини саклаш усуллари. Картошка, карам, илдизмевали сабзавотлар, пиёз, саримсок, помидор, бодринг, тарвуз, қовун, олма, нок, узум ва данакли мевалиларни саклашнинг ўзига хос усуллари. Мева-сабзавотларни саклашнинг халқ усуллари.

Картошка ва сабзавот маҳсулотларини саклаш технологияси

Картошкани саклаш усуллари. Картошканинг даволаниш, асосий ва мажбурий тиним даврида саклаш технологияси. Саклаш режимлари: ҳарорат, нисбий намлик, газ мухити. Картошкани уюмларда ва контейнерларда саклаш технологияси.

Сабзавотларни саклаш усуллари. Алоҳида сабзавот маҳсулотларини саклашнинг ўзига хос хусусиятлари ва режимлари: ҳарорат, нисбий намлик, газ мухити. Саклашда сабзавот маҳсулотлари сифатини назорат қилиш. Саклашда сабзавотларнинг чидамлилигини ошириш тадбирлари.

Полиз экинлари маҳсулотларини саклаш технологияси

Полиз маҳсулотларининг саклаш усуллари. Қовун, тарвуз ва қовоқнинг саклашга яроқли навлари ва уларни саклаш технологияси. Саклаш режимлари: ҳарорат, нисбий намлик, газ мухити. Полиз маҳсулотларининг сакланувчанлиги ва сакланиш давомийлиги. Саклашда полиз масхулотларининг чидамлилигини ошириш тадбирлари.

Мева-узум маҳсулотларини саклаш технологияси

Саклашга чидамли мева турлари ва навлари. Меваларни саклаш усуллари ва технологияси. Саклаш режимлари: ҳарорат, нисбий намлик, газ мухити. Меваларни турли идиш ва омборхоналарда саклаш технологияси.

Саклашга чидамли узум навлари тавсифи. Узумни саклаш усуллари ва технологияси. Узумни саклашнинг ўзига хос хусусиятлари ва режимлари: ҳарорат, нисбий намлик, газ мухити. Саклашда маҳсулотлар сифатини назорат қилиш. Саклашда узумни чидамлилигини ошириш тадбирлари.

Картошка, сабзавот ва меваларни бирламчи қайта ишлаш технологияси

Картошка, сабзавот ва меваларни товар ҳолатга келтириш ва қайта ишлашга тайёрлаш ва уларнинг хом ашёсига қўйиладиган талаблар. Мева-сабзавотларни бирламчи қайта ишлаш усуллари – саралаш, колибрлаш ва сархиллашнинг умумий таърифи. Қайта ишлаш усулларини классификацияси – физик, микробиологик ва кимиявий ҳамда иссиқлик билан стерилизациялаш. Хом ашё, идиш тайёрлаш, қадоклаш. Тайёр маҳсулотларни саклаш ва уларда учрайдиган бузилиш турлари.

Консервалашнинг микробиологик усуллари

Микробиологик усулда консервалашнинг умумий таърифи. Сут кислотали ачиш. Сабзавот ва меваларни микробиологик усулда қайта ишлаш технологик схемаси, унда микроорганизмлар иштирокида бўлиб ўтадиган жараён ва ҳосил бўладиган моддалар таркиби, микробиологик усулда консерваланётган хом ашёлар таркиби ва сифатига кўйиладиган стандарт талаблар, шу билан бирга карамни микробиологик усулда консервалаш технологияси.

Помидорни тузлаш технологияси. Карамни тузлаш технологияси. Бодринг тузлаш технологияси. Тайёр маҳсулотнинг сифат кўрсаткичлари. Тузланган маҳсулотларни саклаш тартиби.

Меваларни намлаш, хом ашёга кўйиладиган талаблар, асосий технологик жараёнлар. Ишлатиладиган идишлар. Тайёр маҳсулотнинг сифат кўрсаткичлари.

Консервалашнинг физик усуллари

Сабзавот ва меваларни консервалашнинг физик усулда. Мева-сабзавотларни термостреллизация усулида қайта ишлаш технологияси. Термостерилизация усулларининг моҳияти, иссиқлик билан стерилизациялаш техникиси ва технологияси. Термостерилизация усулида қайта ишланган маҳсулотларга кўйиладиган талаблар.

Томат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси. Асл сабзавот ва мева консервалари. Табиий асл консерваларни тайёрлаш технологияси. Сабзавот икралари ва уларни тайёрлаш технологияси. Асл табиий консерваларга кўйиладиган талаблар.

Меваларни қанд кўшиб тайёрланадиган консервалар турлари. Қанд билан консерваланадиган мевалар хом ашёсига кўйиладиган талаблар. Мураббо тайёрлаш технологияси. Жем тайёрлаш технологияси. Повидло ва мармелад тайёрлаш технологияси. Қанд билан консерваланган тайёр маҳсулотларга кўйиладиган талаблар.

Компот тушунчаси. Компотнинг озуқавий ва парҳезбоплик киммати ва инсон саломатлигидаги аҳамияти. Компотбоп мевалар хом ашёсига кўйиладиган талаблар. Хом ашёни қайта ишлашга тайёрлаш. Алоҳида мевалардан компот тайёрлаш технологияси. Тайёр компотларга кўйиладиган талаблар. Компотларни саклаш технологияси.

Тайёр маҳсулотнинг сифат кўрсаткичлари ва сакланиш шароитлари. Физик усулда консерваланган маҳсулотларда учрайдиган бузилиш (бомбаж) турлари ва уларни бартараф этиш.

Шароб тайёрлаш технологияси

Шароб тушунчаси. Шаробларнинг классификацияси. Шароббоп узум навлари тавсифи. Шароб тайёрлашнинг асосий технологик жараёнлари. Хом ашёни қабул килиш, бандидан ажратиш, ачитиш, сульфитлаш ва бошқа операциялар.

Хўраки, десерт, кувватли ва кўпирадиган шароблар тушунчаси. Уларнинг биокимёвий таркиби ва шифобахш хусусиятлари. Оқ ва қизил хўраки, десерт ва

кувватли ҳамда кўпирадиган шароблар ва уларни тайёрлаш технологияси. Турли шароб тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятлари.

Шаробни эгализациялаш ва купажлаш тушунчаси. Эгализациялаш ва купажлашнинг моҳияти, шароб сифатини оширишдаги аҳамияти. Шаробни эгализациялаш ва купажлаш технологияси. Тайёр шаробларни саклаш технологияси. Сақлаш тартиби ва муддатлари.

Меваларни қуритиш усуллари ва технологияси

Қуритиш учун жой танлаш. Қуритиш майдонини қуритишга тайёрлаш. Қуритиш учун ишлатиладиган анжом ва аслаҳалар. Қуритишда фойдаланиладиган моддалар, уларни ишлатиш тартиби. Меваларни қуритиш усуллари. Қуритиш усулларининг моҳияти. Офтобли ҳавода қуритиш. Меваларни сояки усулда қуритиш. Махсулотларни турли палаткалар ва чодирларда қуритиш. Махсулотларни дастлабки ишлов бериб ёки дастлбаки ишловларсиз табиий усулда қуритиш.

Урӯғ ва данак мевалиларни қуритиш технологияси. Хом ашёга қўйиладиган талаблар. Олмани оддий, яхшиланган ва калифорния усулларида қуритиш технологияси. Нок, дўлана ва беҳини қуритиш технологияси. Ўркни туршак, курага, қайса, ва аштак усулларида қуритиш технологияси. Шафтоли, олхўри, олча ва гилосни қуритиш технологияси. Субтропик меваларни (анжир ва хурмон) қуритиш технологияси. Хом ашёга қўйиладиган талаблар. Хурмони бутунлигича ва турли шаклларда тўғралган усулларда қуритиш технологияси. Анжирни қуритиш технологияси.

Узумни қуритиш усуллари ва технологияси

Узумни қуритишнинг тарихи, аҳамияти ва ривожланиши. Қуритиладиган хом ашёларга қўйиладиган талаблар. Қуритиш жараёнини тўғри ташкил этиш ва қуритиш майдонларига қўйиладиган талаблар ҳамда хом ашёларни қуритиш технологик схемалари.

Сунъий ва табиий усулларда қуритиш. Узумларни сунъий усулда қуритиш технологияси. Узумни табиий усулда қуритиш технологияси. Хом ашёни қуритишга тайёрлаш ва қуритиш. Қуритиш давомийлиги. Қуритилган узумларни қадоқлаш ва саклаш.

Стандартлаштириш тизими ва асослари

Стандартлаштиришни мақсад ва вазифаси. Фаннинг ривожланиши тарихи. Стандартлашнинг асосий тамойиллари. Стандартлаш бўйича ишларни ташкил этиш. Стандартлаш соҳасида меъёрий муҳимлар тоифалари, стандарт турлари. Стандартларнинг таснифи ва уларнинг мазмуни

“Ўстандарт” Агентлиги, унинг функциялари ва тузилиши, таркиби. “Ўстандарт” нинг Республика вазирликлари, таянч ташкилотлари, стандартлаштириш бўйича бошқа хизмат органлари билан ўзаро ҳамкорликда ишлаш. Стандартлаштириш Давлат тизими. Стандартлаштириш бўйича ишларни режалаштириш. Меъёрий хужжатлар тоифалари ($O'zDSt$, TSt , KSt , TSh , T). Стандартлар таснифи ва уларнинг мазмуни. Стандартлаштиришнинг назарий асослари. Бирхиллаштириш, хиллаштириш. Комплекс стандартлаштириш.

Стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш қоидалари.

Стандартлаштириш бўйича ишларни ташкил қилиш

Халқаро стандартлаштириш ташкилотлари. ISO, ПЛАКО ва бошқа халқаро стандартлаштириш ташкилотлари. Уларнинг вазифалари. Ўзбекистонда халқаро стандартларнинг риоя этилиш ҳолатлари. Халқаро стандартлаштиришнинг аҳамияти.

Метрология асослари

Умумий қоидалар ва уларни амалга оширишга йўналтирилган комплекс тадбирлар. Метрологиянинг ривожланиш тарихи. Антропометрик ўлчаш. Метрологиянинг асосий акционалари ва постулатлари. Метрология турлари. Назарий метрология. Амалий метрология. Қонунлаштирувчи метрология. “Метрология тўғрисида”ги Республика Қонуни.

Ўлчашлар бирлигини таъминлаш давлат тизими. катталиклар, ўлчамлик, ўлчаш бирлиги, катталиknинг асосий бирлиги, ҳосилавий бирлиги, СИ бирликлар тизими. Метрологик таъминотнинг амалга ошириш бўйича бажариладиган ишлар. Ўзбекистон Республикаси метрология хизмати.

Сертификатлаштириш асослари

Чет элларда, айниқса, ривожланган мамлакатларда сертификатлаштириш. Мустақил Давлатлар Хамдўстлиги (МДХ) да сертификатлаштириши. Ўзбекистон Республикасининг сертификатлаштириш миллий тизими. Сертификатлаш ташкилотлари. Четдан келтирилган маҳсулотларни сертификатлаштириши/

Фанинг амалий машғулотлари мавзулари

Амалий машғулотлар талабаларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш бўйича амалий кўнникма ва малака ҳосил қиласидилар.

Амалий машғулотларнинг тахминий тавсия этиладиган мавзулари:

1. Донни сифатини таҳлил қилиш

2. Дон сифати ва софлик кўрсаткичларини аниқлаш усувлари

3. Доннинг ифлослиги ва зараркунандалар билан зарарланганлигини аниқлаш

4. Донни тегирмонга тайёрлаш. Ун ва бошқа дон маҳсулотлари чиқишини хисоблаш

5. Ёпилган нон сифатини баҳолаш

6. Хом-ашё сифатидаги қанд лавлаги илдизмеваларига қўйиладиган талаблар

7. Қанд лавлаги илдизмевалилар уюмининг баъзи сифат кўрсаткичларини аниқлаш

8. Ўсимлик мойлари сифатини баҳолаш

9. Омихта ем рецептлари билан танишиш ва уларнинг сифатини баҳолашни ўрганиш.

10. Мева-узумни йигиб-териб олишни ташкил қилиш

11. Вактингчалик ва доимий омбор турлари ҳамда уларнинг турлари ва

Ўлчамлари

12. Илдизмевали сабзавотлар ва картошкани саклашга жойлаштириш учун вактингчалик омборлар майдонини хисоблаш
13. Мева-узум ва сабзавотларни саклашга жойлаштириш учун доимий омборлар майдонини хисоблаш
14. Мева-сабзавотларни саклаш даврида маҳсулот тўпламигининг табиий камайишини хисоблаш
15. Сабзавотларни тузлашни ўрганиш
15. Меваларни канд билан консервалашни ўрганиш
16. Мева цукатлари тайёрлашни ўрганиш
17. Шароб сифатини баҳолаш
18. Мева-узум қуритиш майдонини ташкил этиш
19. Қуритилган мевалар олиш учун мева-узум хом ашёсини хисоблаш
20. Стандартлаштириш ҳақидаги асосий тушунчалар, таснифи ва уларнинг мөхияти
21. Халқаро стандартлар билан танишиш
22. Метрология асослари. Ўлчамлар бирлилигини таъминлаш Давлат тизими
23. Сертификатлаштириш асослари. Маҳсулот ҳақидаги маълумотларни стандартлаштириш ва кодлаш

Фаннинг лаборатория машғулотлари мавзулари

Фан бўйича лаборатория машғулотлар намунавий ўкув режада кўзда тутилмаган.

Мустақил ишини ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Талаба мустақил ишининг асосий мақсади – ўқитувчининг раҳбарлиги ва назоратида муайян ўкув ишларини мустақил равишда бажариш учун билим ва кўнікмаларни шакллантириш ва ривожлантариши.

Талаба мустақил ишини ташкил этишда қуйидаги шакллардан фойдаланилади:

- айрим назарий мавзуларни ўкув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;
- берилган мавзулар бўйича ахборот (реферат) тайёрлаш;
- назарий билимларни амалиётда кўллаш;
- қайта ишланган маҳсулотлар олиш;
- қайта ишланган маҳсулотларни стандартлаштириш, метрологияси ва сертификатлашни кўллаш;
- илмий мақола, анжуманга маъруза тайёрлаш ва ҳ.к.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кафедра профессор-ўқитувчилири томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талabalар асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва кўнікмаларини амалий масалалар ечиш орқали янада бойитадилар. Шунингдек, дарслик ва ўкув кўлланмалар асосида талabalар билимларини мустахкамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш, илмий мақолалар ва тезисларни чоп

этиш орқали талабалар билимини ошириш, масалалар ечиш, мавзулар бўйича кўргазмали куроллар тайёрлаш ва бошқалар тавсия этилади.

Тавсия этилаётган мустакил ишларнинг мавзулари куйидагилар:

1. Ун саклашда учрайдиган муаммолар.
2. Ун ва ёрма ишлаб чиқариш.
3. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини саклашда рўй берадиган физиологик жараёнлар
4. Мева-сабзавот маҳсулотларига товар ишлов бериш (сараплаш, сархиллаш, жойлаш)
5. Сабзавот, мева, узум ва полиз маҳсулотларини совутгич омборларда саклаш.
6. Сабзавот ва меваларни бошқариладиган газ муҳитида саклаш.
7. Мева сабзавот консервалари тайёрлашда иссиқлик стерилизацияси йўли билан ишлов бериш.
8. Мева-узум ва сабзавотларни офтобли ҳавода куритиш.
9. Мева узумни сунъий усулда куритиш
10. Стандартлаштириш соҳасидаги асосий атамалар.
11. Маҳсулот сифат кўрсатгичлари ва уларни аниқлаш усуслари (органолептик, лаборатория, социологик ва эксперт).
12. Янги стандартларни ишлаб чиқиши қоидаси.
13. Хиллаштириш, бирхиллаштириш.
14. Комплекс стандартлаш.
15. Корхонада сифатни бошқариш тизимини ишлаб чиқиш.
16. Стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилотлар (ИСО).
17. Республикада метрологик хизматини ташкил қилиш.
18. Республикада сертификатлаштириш ишлари ва сертификат бериш қоидалари.
19. Ўсимликшунослик маҳсулотларини стандартлаштириш.
20. Импорт маҳсулотларни стандартлаштириш.
21. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сифатини аниқлашнинг асосий усуслари.
22. Фалла ва дуккакли ўсимликларни стандартлаштириш.
23. Техник ўсимликлар ва озуқаларни стандартлаштириш.
24. Сут, гўшт, тухум маҳсулотларини стандартлаштириш.

Дастурнинг информацион-методик таъминоти

Мазкур фанни ўқитиши жараённада таълимнинг замонавий илфор интерфаол усусларидан, педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларининг презентация (тақдимот), мультимедиа ва электрон-дидактик технологиялардан фойдаланилади. Лаборатория машгулотларда ақлий ҳужум, блиц-сўров, гурӯҳ билан ишлаш, тақдимот, мустакил ишлашга ўргатиш, топширик бажартириш каби усул ва техникалардан кенг фойдаланилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Асосий адабиётлар

1. Бўриев Х.Ч., Жўраев Р., Алимов О. Даля экинлари маҳсулотларини саклаш ва дастлабки қайта ишлаш. – Т.: УзМЭ, 2004.
2. Бўриев Х.Ч., Жўраев Р., Алимов О. Дон маҳсулотларини саклаш ва дастлабки ишлов бериш (амалий машгулотлар). – Т.: ТошДАУ, 2002.
3. Бўриев Х.Ч., Жўраев Р., Алимов О. Мева-сабзавотларни саклаш ва уларга дастлабки ишлов бериш (ўқув кўлланма). – Т.: ТошДАУ, 2003.
4. Исламов С.Я., Шаумаров Х.Б., Абдиқаюмов З.А., Халмираев Д.К. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини саклаш ва бирламчи қайта ишлаш технологияси, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш асослари билан (амалий машгулотлар учун услубий кўлланма). – Т.: ТошДАУ, 2013.
5. Шаумаров Х.Б., Исламов С.Я. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини саклаш ва бирламчи қайта ишлаш технологияси. – Т.: ТошДАУ, 2011

Кўшимча адабиётлар

1. “Метрология тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 1993 йил, 28 декабр.
2. “Стандартлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 1993 йил, 28 декабр.
3. Бўриев Х.Ч., Жўраев Р., Алимов О. Дон маҳсулотларини саклаш ва қайта ишлаш. – Т.: Мехнат, 1997.
4. Бўриев Х.Ч., Ризаев Р.М. Қишлоқ хўжалигига стандартлаш метрология ва сертификатлаш асослари. – Т.: Мехнат, 1999.
5. Крылова Г.Д. Основы стандартизации, сертификации и метрологии. – М.: Юнита-Дана, 2001
6. Купряков Е.М. Стандартизация и качество промышленной продукции. – М.: Высшая школа, 1995
7. Орипов Р., Сулайманов И., Умирзоқов Э. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини саклаш ва қайта ишлаш технологияси. – Т.: Мехнат, 1991.
9. Сергеев А.Г., Латышев М.В., Терегеря В.В. Метрология, сертификация и стандартизация. – М.: Логос, 2001.
10. Стандартизация, метрология, сертификация и управление качеством. – Т.: ТашГАУ, 2002.
11. Товарлар ва хизматлар сертификацияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 1993 йил 28 декабр.
12. Широков Е.П. Практикум по хранению и переработки плодов и овощей. – М.: Колос, 1989.

Интернет сайтлари

1. www.standart.uz – Ўзстандарт агентлиги сайти.
2. www.ISO.com – ISO – Халқаро стандартлаш ташкилоти сайти.
3. www.msu.ru. – Московский государственный университет
4. www.rsute.ru. – Московская экономическая академия им. Г.В. Плеханова